

МЕЪДАНИНГ ЯРА КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ЁМОН СИФАТЛИ ЎСМАЛАРИДА АЪЗО ИЧКИ ҚОН ТОМИРЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Холикова Гулноз Асатовна ассистенти,

Болалар касалликлари пропедевтикаси кафедраси,

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд

Резюме: Мақолада меъданинг яра касаллигида ва ёмон сифатли ўсма касалликларида аъзо ички қон томирларининг ўзгариши ўрганилган. Сероз пардада аниқ контурли қалин капиллярлар тармоғи аниқланган. Яра касаллигида капиллярлар ва майда томирлар кўпинча ўралган, кенгайган ва қон билан тўлган ҳолатда кузатилади. Ўрта калибрли томирлар эса бироз торайган ҳолатда кўринади. Ўсма касаллигида эса веналар деворида бармоқсимон бўртмалар учрайди. Шилиқ ости қаватининг чегарасида майда вена томирларнинг шарсимон кенгайишлар кузатилган.

Калит сўзлар: қон томирлари, девор, ўсма, меъда, яра касаллиги, капиллярлар, томир тармоғи, томирлар контурлари, веналар.

CHANGES IN THE INTRAORGAN BLOOD VESSELS OF THE STOMACH IN MALIGNANT TUMORS AND PEPTIC ULCER

Kholikova Gulnoz Asatovna, Assistant

Department of Propaedeutics of Children's Diseases,

Samarkand State Medical University

Republic of Uzbekistan, Samarkand

Abstract: The article studies changes in the intraorgan blood vessels of the stomach in malignant tumors and peptic ulcer disease. A dense network of capillaries with clear contours was revealed in the serous membrane. In peptic ulcer disease, the capillaries and small vessels were often tortuous, dilated and filled with blood, and medium-sized vessels were somewhat narrowed. In tumors, finger-shaped protrusions were found on the veins, and spherical expansions were found on the venules at the border with the submucosal layer.

Keywords: blood vessels, wall, tumor, stomach, peptic ulcer disease, capillaries, vascular network, vessel contours, veins.

ИЗМЕНЕНИЕ ВНУТРИОРГАННЫХ КРОВЕНОСНЫХ СОСУДОВ ЖЕЛУДКА ПРИ ЗЛОКАЧЕСТВЕННЫХ ОПУХОЛЯХ И ЯЗВЕННОЙ БОЛЕЗНИ

Холикова Гулноз Асатовна, Ассистент

кафедры пропедевтики детских болезней,

Самаркандский государственный медицинский университет

Республика Узбекистан, Самарканд

Резюме: В статье изучены изменение внутриорганных кровеносных сосудов желудка при злокачественных опухолях и язвенной болезни. В серозной оболочке выявлялась густая сеть капилляров четкими контурами. При язвенной болезни капилляры и мелкие сосуды часто были извиты, расширены и наполнены кровью, а сосуды среднего калибра - несколько сужены. При опухолях на венах встречались пальцевидные выпячивания, а у венул на границе с подслизистым слоем - шаровидные расширения.

Ключевые слова: кровеносные сосуды, стена, опухоль, желудка, язвенная болезнь, капилляры, сосудистая сеть, контуры сосудов, вены.

Кириш. Яра касаллигини ўрганиш муаммоси ҳозирги вақтда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу мавзу бўйича кўплаб маҳаллий ва хорижий ишлар мавжуд бўлишига қарамасдан, патогенез, клиника ва даволашнинг кўплаб муҳим масалалари баҳсли ва тўлиқ ўрганилмаган ҳолда қолмоқда [1,2,3]. Сўнгги ўн йилликлар яра касаллигининг патогенези, клиник кечиши, диагностикаси ва даволашнинг турли жиҳатларини ўрганишда сезиларли ютуқлар билан ажралиб туради. Хусусан, томир ўзгаришларининг патогенетик аҳамиятини таҳлил қилишга [4,5], яра касаллигининг жараённинг турли локализациясидаги клиник кўринишларига ва уни юрак-қон томир тизими касалликлари билан бирга

кечишига бағишланган комплекс тадқиқотлар натижалари ўз аксини топган. Сўнги пайтгача яра касаллигида касаллик фазаларининг кетма-кетлиги, меъда ва ўн икки бармоқ ичак деворининг зарарланиш чуқурлиги, гемодинамика ва микроциркуляция ҳолатининг ўзгаришларини ўрганиш, коида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилган; аниқланган бузилишлар динамикаси ўрганилмаган, демак, уларни адекват ва патофизиологик жиҳатдан асосланган даволаш йўллари таклиф этилмаган [6,7].

Тадқиқот мақсади. Меъданинг яра касалликлари ва ёмон сифатли ўсмаларида аъзо ички қон томирларининг ўзгаришини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва методлари. Тадқиқот материаллари 28–61 ёшдаги беморлар танлаб олинди. Меъда яра касаллиги билан операция қилинган 11 та бемордан олинган материал ва ёмон сифатли ўсмалар туфайли резекция қилинган 25 та бемордан олинган меъдага (28–61 ёшдаги беморларда) томирлар рангли масса билан тўлдирилди. Меъда тўқимаси глицериннинг сувли эритмаларида тиниқлантирилди. Унинг девори қаватма қават очилди. Қон томирлардаги ўзгаришлар МБС-2 бинокуляр микроскопи остида ўрганилди.

Тадқиқот натижалари. Ўсмаларда капилляр тармоқлари айрим участкаларда зичроқ, бошқаларида эса сийрақ жойлашган. Баъзи майда томирлар кескин ўралган ва нотекис, гўёки кемирлган контурларга эга бўлган. Бошқалари тўғри чизик бўйлаб жойлашган. Ўзгаришга учрамаган томирлар ҳам кузатилади. Артериялар веналарга қараганда камроқ ўралган ҳолда жойлашган. Ёмон сифатли ўсмаларда веналар деворида бармоқсимон ўсиқлар ҳосил бўлган. Шилиқ ости қатлам чегарасида майда вена томирларида шарсимон кенгайишлар кузатилди. Мушак қаватидаги капилляр томирлар тармоқлари зичлашган. Майда ва ўрта калибирдаги вена томирлар спиралсимон ўралган шаклда ўзгарган. Бир томирнинг ўзида кўпинча торайишлар ва кенгайишларнинг алмашинуви қайд этилган. Умуман олганда, мушак қаватида веналарнинг ўзгаришлари артерияларга нисбатан яққолроқ

ифодаланган. Майда веналарда букилиш жойларида калинлашган деворли сезиларли кенгайишлар кузатилган. Кўп томирлар нотекис калибрга ва ноаниқ, баъзан кемирлган контурларга эга бўлган, бу кўпроқ ёмон сифатли ўсмаларда кузатилади. Мушак қаватининг чуқур қатламларида кўп веналар варикоз кенгайган. Ўсма атрофидаги томир тармоғидан ўсмага нотекис калибрли ингичка томирлар йўналган; кейин улар гўёки узилиб, яна кўринмай қолган. Шилиқ ости қон томир чигалларида айрим ҳолларда кескин спиралсимон ўралган ва кенгайган ҳолатда бўлади. Шилиқ ости қаватдаги айрим майда калибрли веналари бой тармоқлар ҳосил қилган (одатда ўсмаларда) ёки кам сонли бўлиб жойлашган. Улар билан бирга ингичка тўғри артериолалар ва венулалар учрайди. Шиллиқ парда томирлари шакли жуда кўп ўзгарган. Ўсма билан чегарада капиллярлар умуман аниқланмайди ёки оролчалар шаклида аниқланган, ўралган, баъзи жойларда бироз кенгайган ёки аксинча, бутун узунлиги бўйича ёки қисман торайган. Ўсма зонаси зич томир тармоғи билан чегараланган. Ўсма перифериясида томир тармоқларининг узилган ҳалқалари ва гўёки синган артериолалар ва венулалар аниқланган. Майда ва ўрта томирлар юумалоқ, спираль ва ҳалқа шаклида ўралган. Шиллиқ парданинг томирлар кам сонли бўлган участкалари аниқланади. Барча калибрдаги томирларнинг контурлари кўпинча ноаниқ ва кемирлган шаклда кўринади. Бутун узунлиги бўйича ёки айрим участкаларда кескин кенгайган веналар тез-тез учрайди. Айрим ҳолларда томирлар тотал, бошқа ҳолларда эса фрагментар равишда патологик ўзгаришларга учраган деб ўйлаш мумкин. Кўпинча кескин торайган ёки аксинча, кенгайган веналар кузатилган. Уларга ҳамроҳ артериялар камроқ ўзгарган.

Хулоса. Меда яра касаллигида ва ёмон сифатли ўсмаларда ўзига хос бўлган томир ўзгаришларини жумладан, ўсма атрофидаги зич томир тармоғи, шилиқ ости майда веналарнинг бой тармоқлари ва улардаги кўплаб шарсимон ҳамда ўқсимон кенгайишлар, сероз пардада энг майда тармоқларнинг нотекис аниқланиши ва уларнинг тез-тез қон билан тўлиб, кўплаб экстравазалининг

мавжудлиги аниқланди. Турли хилдаги этиологик омиллар томирларда бир хил ўзгаришларни келтириб чиқаради деган хулоса қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева Д. Р., Исмати А. О., Маматалиев А. Р. Особенности гистологического строения внепеченочных желчных протоков у крыс //golden brain. – 2023. – Т. 1. – №. 10. – С. 485-492.
2. Khalikova, G. A. (2022). Evaluation of the effectiveness of the drug "genferon-lite" in acute bronchiolitis in children. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 1430-1439. <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/1714>
3. Asatovna, K. G. (2022). Kodirova Markhabo Miyassarovna. Frequency of functional constipation in children of different ages. *Журнал гепатогастроэнтерологических исследований*, 3(3), 38-40. <https://tadqiqot.uz/index.php/gastro/article/view/5269>
4. Кодирова, М. М., & Холикова, Г. А. (2022). Samarqand xududida bolalarda miokarditning asosiy klinik simptomlarini uchrashi. *Журнал гепатогастроэнтерологических исследований*, 3(3), 57-60. <https://tadqiqotlar.uz/new/article/view/2374>
5. Уралов, Ш. М., Жалилов, А. Х., Аралов, М. Ж., & Холикова, Г. А. (2022). Методы лечения острого стенозирующего ларинготрахеита у детей на современном этапе. *Scientific impulse*, 1(2), 19-28. Retrieved from <https://nauchniyimpuls.ru/index.php/ni/article/view/260>
6. Уралов S., Аралов М. ., Гулноз Н. ., & Нажимов S. . (2022). О современных методах лечения острого стенозирующего ларинготрахеита у детей. *Международный журнал научной педиатрии*, 1(5), 25–31. <https://doi.org/10.56121/2181-2926-2022-5-25-31>
7. Маматалиев А. Р. НЕЙРОГИСТОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ БЛУЖДАЮЩЕГО НЕРВА ПОД ВЛИЯНИЕМ КОЛХИЦИНА В

ЭКСПЕРИМЕНТЕ //Экономика и социум. – 2025. – №. 11-1 (138). – С.
1011-1014.